

ДУНЁДАГИ ЭНГ АЗИЗ ВА МУҚАДДАС СИЙМОДИР АЁЛ

Бугун, 7 март куни Бойсун туманида фахрий аёллар ҳамда ташкилот, корхоналарда фаолият юритиб келаётган хотин-қизлар учун байрам тадбири бўлиб ўтди.





Тадбирда туман ҳокими Асқарали Жўраев 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тадбирда иштирок этаётган барча аёлларни муборакбод этиб, ўзининг дил сўзларини билдириб ўтди.





Шунингдек тадбирда Ўзбекистон Ёшлар Агентлиги директори Алишер Зафарович Саъдуллаев иштирок этиб, тадбирда қатнашаётган барча мунис онахнлар, латофатли аёлларимизни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами билан табриклаб туман ҳокимлиги томонидан тайёрланган энг фаол маҳалла маслаҳатчиларига компьютер жамламалари, эсдалик совғалари ҳамда муҳтарам юртбошимиш эътироф этган Юлдашева Дилбарни “Мўтабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирлади.



